# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 136 (9.633) 2001 йил 21 ноябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда


*КОНСТИТУЦИЯМИЗ ЯШАМОҚДА ВА АМАЛ ҚИЛМОҚДА*

## Қомусимиз – ифтихоримиз

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ КОНСТИТУЦИЯСИ

"ЎЗБЕКИСТОН"

**Шу кунларда шаҳримизнинг ҳар бир гўшаси, ўқув муассасалари, корхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда яқинлашиб келаётган Асосий Қонунимиз бўлмиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 9 йиллигига бағишланган турли кечалар, тадбирлар, илмий-амалий анжуманлар бўлиб ўтмоқда.**

Жумладан Сергели туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласида бўлиб ўтган «Қомусимиз — ифтихоримиз» деб номланган тадбир жамиятнинг асосий бўғини ҳисобланмиш оиланинг ҳаётимизда тутган ўрни, давлатимизнинг оила фаровонлигини таъминлаш борасида кўрсатаётган ғамхўрлиги хусусида бўлди.

Маълумки, Конституциямиздан оила, унинг муҳофазаси, фарзандлар ва ота-оналар ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги моддалар кенг ўрин олган. Хусусан Асосий Қонунимизнинг 63-моддасидан «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга» деган қоида ўрин олган. Шундан келиб чиққан ҳолда тадбирга таклиф этилган Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети катта ўқитувчилари Қаландар Сафоев, Самиғ Ашурбоев, Сергели тумани юридик маслаҳатхонасининг бўлим бошлиғи Маъмуржон Дадабоевлар сўзга чиқиб, Бош Қомусимизнинг ҳаётимизда тутган ўрни, турмушимизнинг барча муносабатларини ўзига жамлаган ҳар бир моддасини ёшларимиз онгига сингдириш лозимлиги тўғрисида тўхталдилар.

Тадбирда иштирок этган маҳалла аҳли ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олди. Улар Конституция мамлакатдаги ҳар бир фуқаро суянса, ишонса, қадрласа арзийдиган энг мўътабар ва энг мукаммал қонунлар мажмуи бўлиб, халқимизнинг манфаатларини тўла кафолатловчи Асосий Қонунимиз эканини яна бир бор эътироф этдилар.

**Шоҳида МАҲМУДОВА**

## Сайловчилар билан учрашув

**Маълумки, бўшаб қолган ўринларга халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига 25 ноябрь куни сайловлар ўтказилиши режалаштирилган. Сайловлар ўтказиладиган барча сайлов участкаларида мазкур муҳим тадбирга ҳамма нарса тахт қилиб қўйилган. Ҳозир жойларда номзодлар иштирокида сайловчилар билан учрашувлар ўтказилмоқда.**

Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги Беруний маҳалласининг сайлов участкасида Беруний ва Мирзо Ғолиб маҳаллалари фаоллари ва аҳли иштирокида депутатликка 24-Мирзо Ғолиб сайлов округидан кўрсатилган икки номзод — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг проректори, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан кўрсатилган номзод Раҳбархон Муртазаева ҳамда Собир Раҳимов туманидаги М. Уйғур номли 22-мактаб директорининг ўқув-тарбия ишлари бўйича ўринбосари, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органидан номзод Рихси Хўжамуратова билан учрашув бўлиб ўтди.

Дастлаб номзодларнинг ишончли вакиллари сўзга чиқишиб, уларни тавсифлашди. Сўнг ҳар иккала номзод ўз сайловолди дастурларини баён этди.

Маҳаллаларда, таълим муассасаларида миллий ғоя, миллий қадриятлар, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат, жамиятимиздаги оиланинг ўрни ҳамда ҳуқуқий тарбия ҳақида гапирар экан Р. Муртазаева уларни амалда қўллаш борасида университетда салмоқли ишлар амалга оширилаётгани, қадриятларимиз ва ҳуқуқий тарбиянинг ҳар бир ўсмир онгига етиб боришига ҳаракат қилинаётганини таъкидлади.

Иккинчи номзод Р. Хўжамуротованинг сайловолди дастуридан эса фарзандларимизни гўдаклик чоғлариданоқ соғлом, дуркун ўстириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги йўналишлар ўрин олган бўлиб, номзод уларни ҳаётга татбиқ этиш учун келгусида қилинадиган ишларни таъкидлаб ўтди.

Номзодлар сайловчилар томонидан берилган саволларга жавоб қайтардилар.

**Алломахон ХУРШИДЖОН қизи, ЎзМУ журналистика факультетининг II курс толибаси.**

*ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА*

## Назорат самарали ва таъсирчан бўлсин

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгаши Тошкент шаҳар бўйича ҳудудий комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.**

**Пойтахтдаги назорат қилувчи органлар бошлиқлари, туман ҳокимлари, тижорат банклари раҳбарлари, туман ҳудудий комиссиялари масъул ходимлари иштирокидаги йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими, комиссия раиси Рустам Шоабдураҳмонов бошқарди.**

Йиғилишда шаҳар комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги 2114-сонли, 2001 йил 9 июндаги 2886-сонли Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 27 ноябрдаги 496-сонли қарори, текширишларни тартибга солишга доир қатор қонунчилик ҳужжатлари ҳамда республика кенгаши кўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди.

Шаҳардаги барча назорат органларининг 2001 йил бўйича хўжалик субъектларини текшириш режаси тузилган бўлиб, республика кенгашида тасдиқлангандан сўнг 82 та назорат органларига ижро учун тақдим этилган. Текширувлар муддати устидан назорат ўрнатилиб, бу ҳақдаги маълумотлар тегишли манзиллар бўйича доимий бериб борилади.

Тошкент шаҳрида жойлашган назорат органларининг шу йил буюртмаларига биноан 9 ой давомида текшириш ўтказган хўжалик субъектлари сони 11785 тани ташкил этди, бу эса ўтган йилга нисбатан текширишлар 50,2 фоизга камайган, демакдир. Бироқ, ҳудудий комиссия таркибига янги назорат органлари қўшилганлиги сабабли назорат органларининг текширувлари сони белгиланган 30 фоиз ўрнига фақат 17,8 фоизга камайгани аниқланган. Текширувлар сони юқорилашишига айрим назорат органлари хўжалик субъектларини текширишни ташкил этишда ўз имкониятларини объектив баҳоламай, хўжалик субъектлари фаолиятини чуқур ўрганмасдан буюртма бераётганлари сабаб бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 9 июндаги 2886-сонли Фармонига мувофиқ текширишлар комплекс тарзда ўтказилиши белгиланиб қўйилган бўлса ҳам, баъзи назорат органлари жорий йилда ўз текширувларининг сезиларли қисмини, яъни 29 фоизини идоравий, комплекс бўлмаган ҳолда режалаштириб текшириш ташкил этган. Улар қаторига алоқа инспекцияси, нефтьгазинспекцияси, молия органлари, саноатконтехназорат агентлиги, архитектура қурилиши назорати текширувларини киритиш мумкин.

Шу билан бирга комиссия йиғилишида айрим назорат органлари раҳбарлари масъулиятсизлиги туфайли қайд этилган камчиликлар юзага келаётгани, шунингдек улар томонидан текширувлар натижалари ҳисоботлари вақтида топширилмаётгани, текширувлар самарадорлигини ошириш борасида таклифлар киритилмаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, бундай назорат органлари орасида тижорат банклари, давлат санитария эпидемиология назорат маркази, ёнғин назорати идоралари, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ва давлат солиқ инспекциялари ҳам борлиги аниқланган.

Йиғилишда текширишларни тартибга солишга доир қонунчилик талаблари бузилаётганига эътибор қаратилди. Бугунги кунга қадар шаҳардаги айрим назорат органлари раҳбарлари текширувлар борасидаги қонунчилик талабларини, Президент Фармонларини, Вазирлар Маҳкамасининг 496 ва Республика Кенгашининг қарорларини чуқур ўрганиб уларнинг моҳиятини англамаяптилар, шу сабабли ҳудудий комиссияга режадан ташқари текширишлар ўтказишни сўраб етарли асослари бўлмаган жуда кўп сонли буюртмалар юбормоқдалар, ўтказилган текширувлар самарадорлиги ҳақидаги ҳисоботлар комиссиянинг ишчи органига ўз вақтида юборилмаяпти, йиллик ва чораклар бўйича буюртмалар, қўшимча ва ўзгартиришлар учун таклифлар ҳам ўз вақтида берилмаяпти, аудиторлик хулосалари асосида корхоналарни текширувлар режасидан чиқаришга етарли эътибор берилмаган. Бундай назорат органлари қаторига тижорат банклари, давлат санитария эпидемиология назорат маркази, Ёнғин назорати идоралари, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси ва давлат солиқ инспекциялари мисол бўла олади.

Булардан ташқари юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этишдаги сусткашликка шаҳардаги 11 туман ҳудудий комиссиялари фаолияти етарли даражада ташкил этилмаганлиги, комиссиялар раисларини бу борада фаол ташаббускорлик билан ҳаракат қилмаётганликлари ҳам сабаб бўлмоқда.

Комиссия йиғилишида барча кўтарилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари моҳияти яна бир бор кенг тушунтирилиб, уларнинг сўзсиз бажарилиши устидан мутасадди раҳбарлар масъулиятини ошириш чора-тадбирлари белгиланди.

## Тиббий хизмат: ислоҳотлар йўлидан

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш бўйича Давлат дастури қабул қилинганига уч йилдан ошди. Ўтган вақт давомида тизимда қатор амалий ишлар жорий қилинди ва бу борада тиббиёт муассасалари олдида турган галдаги вазифалардан бири ташкил қилинган оилавий шифохоналар негизида оилавий шифокорлар тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ этишдан иборатдир.

Куни кеча Тошкент шаҳар ҳокимлигида ўтказилган йиғилиш айнан шу мавзуга бағишланди. Уни Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов олиб борди.

Йиғилишда кун тартибига киритилган масала юзасидан Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси бошлиғи Миралишер Исломов сўзга чиқиб, оилавий шифокор фаолияти хусусияти ва моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтди ва бу борада уч босқичда амалга оширилиши лозим бўлган асосий вазифалар лойиҳасини муҳокамага тақдим этди.

Хусусан, биринчи босқичдаги вазифалар оилавий поликлиника ҳамда жойлардаги маҳаллаларга оид бўлиб, асосий мақсад давлат томонидан пойтахт аҳолисини кафолатланган бепул тиббий хизмат билан тўла таъминлаш ва оила шифокори тизимини бирламчи звенода, яъни ҳозирги поликлиникалар ўрнида яратишга қаратилган. Шу билан бир қаторда поликлиника шифокорларига жойларда амалий ёрдам кўрсатилиши, улар фаолияти қўллаб-қувватланиши, аҳоли ўртасида тарғибот ишлари олиб борилиши, шунингдек корхона ва ташкилотлар томонидан ижтимоий касалликлар, касб касалликлари бўйича текширувлар ва диспансерлаш тадбирларини ўтказишда ташкилий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлади.

Иккинчи босқич барча тиббий ёрдамнинг иккиламчи звеносига тегишли даволаш муассасалари фаолиятини бирламчи звено билан боғлаб, тегишли ислоҳотлар олиб боришга йўналтирилган, хусусан даволаш-профилактика муассасалари моддий-техника базасини яхшилаш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликларни даволаш бўйича сарф-харажатлар стандартини ишлаб чиқиш, кам таъминланган оилаларни диспансерлаштиришдан ўтказиш бўйича ишлар ташкилий ва молиявий механизмларини шакллантиришдан иборат.

Иккинчи босқичдаги масалалар туман ҳокимликлари ва ҳудудий тиббий бирлашмалари томонидан ҳал этилиши лозим бўлса, учинчи босқичдаги масалалар асосан шаҳар миқёсида, яъни соғлиқни сақлаш бош бошқармаси билан биргаликда амалга оширилиши керак. Жумладан, тиббий хизматнинг бирламчи ва иккиламчи звенолари учун дипломдан кейинги ўқув тизимини яратиш талаб қилинади. Бу борада ихтисослашган илмий-амалий ўқув марказларини барпо этишда ҳар томонлама ёрдам зарур бўлади. Ушбу марказларда даволашнинг профилактик йўналишларини белгилаш ва уларнинг меъёрий-ҳуқуқий стандартларини ишлаб чиқиб, кенг йўлга қўйиш кўзда тутилган.

Даволаш-профилактика муассасалари моддий-техник базаларини яхшилаш борасида йиғилишда бир неча манзиллар бўйича, шу жумладан, 1-сонли юқумли касалликлар шифохонасида, Юнусобод туманидаги туғруқ мажмуасида, 15-сонли шаҳар клиник шифохонасида, Чилонзор туманидаги онкология диспансерида қайта қуриш ва тубдан таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш долзарб масалалардан бири эканлиги ҳам таъкидлаб ўтилди.

Шунингдек, йиғилишда оила шифокори тизими яратилишида Акмал Икромов туманидаги 8-оилавий поликлиника тажрибаси амалиёт қўлланмаси сифатида асос қилиб олиш тавсия этилди. Акмал Икромов тумани ҳудудий тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Ниғмат Расулов мазкур поликлиника негизида 1,5 йилдан бери 12 нафар оила шифокорлари фаолият юритаётгани, уларнинг ҳар бирига 200-300 оила бириктирилгани ва бугунги кунда янги тизим ўз самарасини бераётгани ҳақида ахборот бериб, тўпланган тажрибаларнинг изчиллик билан кенг жорий қилинишида биринчи галда жойлардаги поликлиникалар ташаббус кўрсатишлари кераклиги таъкидланди ва ўз навбатида оила шифокори учун тегишли ўқув қўлланмалари, семинарлар ташкил этиш таклиф этилди. Йиғилишда шу кунларда Акмал Икромов туманидаги 6-оилавий поликлиника, Яккасарой туманидаги 19-оилавий поликлиника, Мирзо Улуғбек туманидаги 20-оилавий поликлиника, Собир Раҳимов туманидаги 34-оилавий поликлиника, Шайхонтоҳур туманидаги 35-оилавий поликлиника, Миробод туманидаги 2-оилавий поликлиника, Сергели туманидаги Марказий поликлиника, Чилонзор туманидаги 28-оилавий поликлиника, Ҳамза туманидаги «Тошқишлоқмаш» тиббиёт-санитар қисми, Бектемир туманидаги Марказий поликлиника ва Юнусобод туманидаги 31-оилавий поликлиникада оила шифокори тизимига ўтиш тайёргарлик ишлари олиб борилаётгани устида сўз юритилди.

Кун тартибига қўйилган масала юзасидан йиғилишда тегишли қарорлар қабул қилинди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот хизмати.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кеча Оқсаройда АҚШ сенаторлари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди. Учрашувда икки мамлакат ўртасида тобора ривожланиб бораётган ҳар томонлама ҳамкорликнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлаш, шунингдек, Афғонистондаги вазият, минтақамиздаги хавфсизлик ва барқарорликка доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

● Кеча мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент ассамблеяси раиси Андриан Северин бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Эркин Халилов билан учрашди. Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Парламент ассамблеяси делегацияси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида ҳам бўлди.

● Кеча Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигида мамлакатимиз ташқи сиёсат маҳкамаси раҳбари Абдулазиз Комилов ҳамда мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан АҚШ Сенати аъзолари Карл Левин ва Жон Уорнер раҳбарлигидаги делегация ўртасида учрашув бўлиб ўтди.

● Олий Мажлиснинг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ташаббуси билан «Хотин-қизлар ҳуқуқлари, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги қонунларни ижро этиш муаммолари» мавзуида конференция ўтказилди.

● Кеча республика Хотин-қизлар қўмитасида Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш мажмуининг кенгайтирилган мажлиси бўлди.

● Бекободда қора ва рангли металл парчалари, чиқиндиларни тайёрлаш ва қайта ишлашга топширишни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш бўйича республика комиссиясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

● Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг навбатдаги йиғилишида Тошкент шаҳри, Самарқанд ва Навоий вилоятларида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш, жазони ижро этиш ва махсус ўқув-тарбия муассасаларидан келган болаларни ижтимоий реабилитация қилиш аҳволини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

● Республика ўқувчилар саройида мамлакатимиздаги давлат, нодавлат ва халқаро болалар ташкилотлари вакиллари иштирокида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқини ҳимоя қилиш» конвенцияси қабул қилинганига 12 йил тўлишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

● Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтида «Наркотиксиз ҳаёт» мавзуидаги плакатлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда ёш мўйқалам соҳибларнинг 40 дан зиёд асари намойиш қилинди.

● Бухорода вирусли гепатитни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш муаммоларига бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

● Жиззахда Оналар ва болалар йилига бағишланган учинчи Республика аёллар спартакиадаси якунланди.

### Жаҳонда

● Бугун Москвада Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан бу ерга бир кунлик ташриф билан келган Иордания қироли Абдуллоҳ II ўртасида халқаро терроризмга қарши кураш ва Яқин Шарқдаги вазиятга бағишланган музокаралар бўлиб ўтади.

● Бугун Москвада МДҲ мамлакатлари мудофаа вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда терроризмга қарши курашдаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш муаммолари муҳокама қилинди.

● Бугун НАТО Бош котиби Ж. Робертсон уч кунлик ташриф билан Россияга келади. У ўзининг сафарини Волгоградга боришдан бошлайди, кейин эса Москвада мамлакат раҳбарияти билан музокаралар олиб боради.

● Кеча Вашингтонда Афғонистонни урушдан кейинги тиклаш муаммоларга бағишланган халқаро конференция очилди.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, Афғонистоннинг катта ҳудудини ўз назоратига олган Шимолий иттифоқ мулозимлари Европада яқин кунларда мамлакатнинг кейинги тақдири билан боғлиқ мавзуда ўтказиладиган анжуманга қатнашиш учун тайёр эканликларини аён этишган.

● «Рейтер» ахборот агентлигининг хабар беришича, кеча АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари толибларнинг сўнгги таянч нуқтаси ҳисобланган Қандаҳордаги истеҳкомларини нишонга олган. Айни хабарда айтилишича, ҳозирда Афғонистондаги Шимолий иттифоқ ҳарбийлари қуршовида бўлган Қундуздаги террор ўчоқларига ҳам бомбалар ёғдирилган.

● CNN телекомпанияси хабарларига қараганда, кеча АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфелд террорчилар раҳнамоси Усама бин Лодиннинг яшириниб ётган жойидан чиқишга мажбур этган афғон фуқаросига 25 миллион доллар берилишини маълум қилган.

● Жаҳон оммавий ахборот воситалари ашаддий террорчи Жума Намангоний Кобул шаҳри учун бўлиб ўтган жангда ўлдирилганлигини маълум қилди. Ушбу хабар кеча «Толибон» ҳаракати вакилларининг сўзларига таяниб тарқатилди. Толибларнинг қатъий равишда аён қилишича, террорчи ўтган ҳафтада Қундузда эмас, айнан Кобул шаҳри учун олиб борилган ҳарбий амалиётларда ўлдирилган.

● Покистон толибларнинг Афғонистондаги ҳукуматини тан олмайди. Кеча ушбу хабарни Покистон ташқи ишлар вазири Абдул Саттор маълум қилди. Вазирнинг айтишича, Покистон БМТ шафелигида Афғонистонда тузилажак янги ҳукумат билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

● Эрон Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида консулхона очди. Ҳиндистонда чоп этиладиган «Стар нюс» газетасининг ёзишича, ҳозир консулхона ишга тушиб бўлган.

● Буюк Британия мудофаа вазирининг матбуот котиби мамлакатнинг қарийб 6 минг нафар ҳарбийси яқин кунлар ичида Афғонистон ҳудудига киритилишини маълум қилди.

● Россиянинг Тверск вилоятида Ил-18 самолётининг авиаҳалокатга учраганлиги натижасида 18 нафар йўловчи ва 9 нафар экипаж аъзоси ҳалок бўлган. Айни пайтда ҳалокат сабаблари ўрганилмоқда.

● Кеча Данияда парламент сайловлари бўлиб ўтди.

● Кеча Олимпияда 2002 йилги XIX Қишки Олимпия ўйинлари машъаласи ёқилди. Олимпия ўйинлари келгуси йилнинг 8 февралида Американинг Солт-Лейк-Сити шаҳрида очилади.

● Хорватиянинг Загреб шаҳрида фигурали учиш бўйича «Олтин пируэт» деб номланган халқаро турнирда ўзбекистонлик Наталья Пономарёва ва Евгений Свиридов жуфтлигига омад кулиб боқди. Улар Франция, Германия, Канада спортчиларидан сўнг тўртинчи ўринни эгаллаб, 2002 йилда ўтказиладиган XIX Қишки Олимпия ўйинларига бериладиган бешта йўлланманинг бирини қўлга киритишга муваффақ бўлдилар.

## ҚОНУН УСТУВОРЛИГИ ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ КЎЗЛАЙДИ

**Тошкент шаҳар ҳокимлигида «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг моҳияти» мавзусида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Республика ҳуқуқ-тартибот органлари масъул ходимлари иштирокида ўтказилган йиғилишда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, шунингдек ҳуқуқ ва назорат органларининг шаҳар ва туман раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашди. Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари Рихситилла Акромов олиб борди.**

Маълумки, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси муҳокамасига «Жиноий жазоларни либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноий, Жиноий-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси киритилганди ва Парламент томонидан қабул қилинганди. Янги қонунга асосан илгариги жиноят қонунчилигида мавжуд бўлган, маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган кўпгина моддалар ўзгартирилди ёки қўшимчалар киритилди.

Йиғилишда маъруза қилган республика прокуратураси судларда жиноят ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бошқармаси бошлиғи Абдуғаффор Солихов ушбу қонуннинг хусусияти ва моҳияти устида сўз юритиб, эндиликда қонун орқага қайтиш кучига эга, деган фикрни билдирди, хусусан, янги қонунга асосан фуқароларга тайинланадиган жазолар анча енгиллаштирилиб ёки улар жазодан умуман озод этилиши, ўзгартириш ва қўшимчалар жиноятни таъқиб этишга йўналтирилганлиги, жиноятни судда кўриш жараёни тубдан ўзгартирилгани ҳамда айрим жиноий-ҳуқуқий меъёрларда сақланиб қолган тоталитар кўринишларни бартараф этишга қаратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Йиғилишда алоҳида эътибор яна шундай рақамларга қаратилди: 87 та жиноятлар туридан 26 таси бўйича қамоққа олиш, озодликдан маҳрум этиш каби усуллар чиқарилиб, ўрнига иқтисодий жиноятларга жарима тўловларини қўллаш чоралари кенг жорий қилиниши белгиланди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар қонунчиликдаги ўзгаришлар Бош Қонун — Конституция тамойиллари асосида юзага келгани ҳақида ҳам таъкидлаб ўтишди. Хусусан, маълумки, Конституцияда хусусий мулк, бошқа мулклар каби давлат ҳимоясида деб кўрсатилган. Жиноятлар бўйича меъёрий ҳужжатларнинг демократлаштирилиши ва либераллаштирилиши туфайли жиноий жазо сифатида мулкни мусодара қилиш моддаси чиқарилиб ташланди.

Жиноят кодексига киритилган ўзгаришлар инсонийлик, ғамхўрлик, меҳр-шафқат ҳисси билан чамбарчас бўлиб, аёлларга, кексаларга нисбатан санкциялар ҳам анча енгиллаштирилган, вояга етмаганларга эса озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

Қонунчиликдаги яна бир янгилик — бу энг юқори бўлган жазо — ўлим жазосини қўллаш моддалари қайтадан кўриб чиқилди. 1994 йилда қабул қилинган Жиноят кодекси бўйича ўлим жазоси 13 та модда асосида қўлланилган бўлса, ўзгартиришлар борасида энди тўртта турдаги энг хавфли жиноятларгача қисқартилди. Бу ҳақда Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида Ўзбекистон Президенти томонидан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилганди. Хусусан, ўлим жазоси фақат агрессия, геноцид, террор ва онгли равишда содир этилган оғир жиноятларга қўлланилиши даркордир, деганди Юртбошимиз.

Йиғилиш кун тартибига қўйилган мавзу юзасидан муҳокамада қатнашганлар қонун ҳужжатларининг адолатли ва инсонпарварлик тамойиллари жазоларнинг енгиллаштирилиши ва камайтирилиши ҳисобига амалга оширилишини таъминлаш зарур эканлигига алоҳида урғу бердилар.

# ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти ва «Тошшаҳармаишийхизмат»уюшмасининг саҳифаси**



МУСОҲАБА

## Шарафли ва савобли касб

**Тошкентимизни бежиз нон шаҳри деб аташмайди. Бу таъриф узукка кўз қўйгандек унинг ўзига ярашиб тушган. Чунки бизда нон сероб. Хуштаъм, мазали ранг-баранг нонлар азалдан миллатимиз кўрки. Остона ҳатлаб келган меҳмон борки, унинг кимлигидан қатъий назар ҳурмати учун биринчи навбатда олдига дастурхон ёзиб нон ушатамиз.**

**Таомларимизнинг эса таъриф ва тавсифи йўқ. Биргина ўзбек паловининг довруғи оламга таралганининг ўзи бунинг исботи. Бизда ана шунақа ўз касбининг усталари бўлган қўли гул новвойлар, оддий масалликка жон киргазадиган пазанда ошпазлар жуда кўп. Уларнинг диди ва маҳоратига тасаннолар айтмай иложингиз йўқ.**

**Бугун биз улардан бири, бутун умрини халққа хизмат қилишдек савобли ишга бағишлаб келаётган, ўз касбининг билимдони Орифхўжа Саидхўжаев билан учрашиб, ундан йиллар бўйи орттирган бой тажрибаларини ўртоқлашишни илтимос қилдик.**

— Нуронийларимизнинг «Дарахт бир жойда кўкаради», деган гапи бор. Мен умрим давомида шу нақлга амал қилдим. Хўрандаларга яхши таниш бўлган «Ширин» қаҳвахона — ошхонасида катта йўлни босиб ўтдим. Оддий ошпазликдан бошқарувчилик даражасигача кўтарилдим. Бу даргоҳ менинг учун табаррук, остонаси азиз. Сабаби шу ердан ризқ-насиба топдим. Уйли-жойли, оилали бўлдим, — деди бизга Орифхўжа Саидхўжаев.

**— Албатта, «Ширин» таомхонасининг шу турдаги ошхоналар орасида ўзига хос ўрни, мавқеи бор. У узоқ йиллардан бери хўрандаларга баҳоли-қудрат хизмат қилиб келади. Бу ерда кўплаб тўй-туркумлар, маросимлар ўтади. Хуллас, у ҳамиша гавжум, эл эътиборида.**

— Бунинг сабаби оддий. Хўранда ўзи ёқтирган, табиати тортган жойга боради. Уни доимий мижозга айлантиришнинг биргина йўли — намунали хизмат. Бу сўз доирасига озодалик, тартиб-интизом, хушмуомалаликдан ташқари сифат ва барқарор нарх-наво киради. Мана шу жиҳатлар мужассам бўлган жой гавжум бўлади, хўрандалар қадами узилмайди. Энг муҳими, кундалик таомларини тайёрлашда бир хилликка эришиш, яъни меъёрни ушлаб туриш керак. Ундан сал четлашиб, даражани пасайтирдингизми, ўша кундан бошлаб хўрандалар сони камая бошлайди, бора-бора уларнинг қадами узилади. Ёмони шундаки, бу иллатнинг сабабини ҳеч қачон ўзимиздан қидирмаймизда, турли-туман баҳоналарни рўкач қиламиз. Бозор иқтисодиёти деймиз, одамлардан пул қочди деймиз. Буларнинг ҳаммаси беҳуда гаплар. Исбот учун бир мисол келтирай. Амир Темур хиёбонининг бурчагидаги «Уголок» қаҳвахонасини билмаган одам топилмаса керак. Бу ерда нарх-наво ҳам сиз кутганчалик арзон эмас. Бир кишилик жўжанинг меъёрий нархи — бир ярим минг сўм. Шунга қарамай бу ерда ёзин-қишин хўрандалар гавжум. Нега? Сабаби таом сифатли тайёрланади. Ошхона ҳамиша озода, хизматчилар хушмуомала.

Баъзи ҳамкасбларимиздан: «Ошхонамиз шаҳарнинг бир четида жойлашган, шунинг учун мижозлар бизга кам келишади», деган гапларни эшитамиз. Бу ҳам бир баҳона. Агар уларда таомлар сифатли бўлиб, намунали хизмат йўлга қўйилса ошхонанинг таърифи тилга тушиб, хўрандалар ўз-ўзидан кўпаяверади.

Хўранда учун масофа эмас — сифат чегара. Эсингизда бўлса бир вақтлар Заводская (ҳозирги Абдулла Қаҳҳор) кўчасида лағмонхона очилган эди. Таом мазали, сифатли бўлгани учун у тезда одамлар оғзига тушди. Ошхона шаҳарнинг «бир тупкасида» бўлса-да, хўрандалар гавжумлашиб кетди. Бу ерга атайлаб лағмон тановул қилиш учун қаерлардан одамлар келмади дейсиз.

Бир куни яқин дўстим қўнғироқ қилиб қолди. «Хорма, бор бўл»дан сўнг «Вақтинг қанақа, бўшроқмисан?» деб сўради. Кейин жавобимни кутмасдан: «Бирга тушлик қилсак девдим-да» деди. Ундан қаерга боришимизни сўрадим. «Агар истак бўлса «Дендропарк»нинг рўпарасидаги хусусий сомсахонага бориб, бир сомсахўрлик қилардик», деди. «Мунча узоқ, яқин жой қуриб кетибдими» десам, у: «Сомсаси сифатли, мазаси оғзингда қолади» деб жавоб берди. Бу мисоллардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, хўрандани чорлаш ҳам, уни бездириш ҳам ошхоначиларнинг ўзига боғлиқ. Бошқа баҳонага ўрин йўқ. Шунча гапдан кейин ошхонамизнинг гавжумлиги сабабини бирма-бир тушунтириб ўтиришга ҳам ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

**— Аслида биз ҳам «Ширин»нинг мухлисимиз. Хизмат, таомлар сифатига эътирозимиз йўқ. Лекин кўпинча бу ерга келганимизда гоҳ у залда, гоҳ бунисида таъмирлаш ишлари бораётганини кўрамиз. Шунда хаёлимизга қурувчилик ошхона раҳбари Орифхўжа аканинг иккинчи касби эмасмикан, деган фикр келади.**

— Таъмирлаш ҳақидаги гапингиз ҳақ. Бироқ қурувчиликдан хабарим йўқ. Чиндан ҳам биз эгаллаган бино ҳамиша замонавий бўлиши, хўрандалар дидига мос тушишини ўйлаб, тез-тез таъмирлаш ишларини олиб борамиз. Аслида бу ҳам маданий хизматнинг бир тури. Ошхонага кирган хўранда қорин тўйғазиш ташвишидан ташқари, бироз бўлсада кўзи қувнаб, маданий ҳордиқ чиқариши керак. Бунинг учун эса унга зарур шароит ва мавжуд қулайликларни яратиш лозим бўлади. Лўндасини айтадиган бўлсам тор, биқиқ қоронғу хонада овқатланган қайдаю, кенг ва озода, серҳашам ёруғ залда роҳатланиб ўтирган қайда. Кўриб турибсизки, ўртадаги фарқ ер билан осмонча.

**— «Чўмичда қоқади» деган гап кўпроқ ошхона хизматчилари, савдо ходимларига қаратилган. Гуруч курмаксиз бўлмаганидек, бу касб кишилари орасида ҳам табиийки шундайлар учраб туради. Мутахассис сифатида бу масалага сизнинг қарашларингизни билмоқчи эдик.**

— Умуман хўрандалар ҳақига хиёнат қилинишига қаршиман. Қарияларимизда «Тарозидан урган одам кўкармайди» деган гап бор. Аслида бу исботини топган ҳақиқат. Бундай номақбул усул хўрандани ранжитади. Демак ўз-ўзидан мижозлар сони камаяди. Бу кимга зиён? Ўша ошхонага, қолаверса, хизматчининг ўзига зиён. Хўранда қанча кўпайса даромад ҳам, фойда ҳам шунга яраша бўлади. Қолаверса, кундалик бозор харажатларини режали қилишда ҳам гап кўп. Суриштирмай маҳсулотни бирни иккига олиш билан, келиштириб арзон-гаровга туширишнинг фарқи катта. Шундай қилинса сих ҳам, кабоб ҳам куймайди. Савдо ходимининг хизмат мезони эса хўранданинг раҳмати билан ўлчанади. Шундай экан, биз уларнинг қалбига тўғри йўл топа олишимиз керак.

Ўз тажрибамдан келиб чиқиб айтадиган бўлсам, йиллар давомида жуда кўплаб устозларни учратдим, улар билан ёнма-ён ишладим. Бугун уларнинг кўплари оламдан ўтиб кетишган, борлари қарилик гаштини суришяпти. Уларнинг ҳаммаси бир гапни, ўзгалар ҳақига хиёнат қилмасликни қулоғимизга қайта-қайта қуйишган. Устозлар ўгитларига амал қилиб, кам бўлмадим. Бирида кўп, бирида кам, ишқилиб рўзғоримиз ўтиб турибди.

**— «От изини той босади» деган гап бор. Оилангизда ота касбини эгаллаганлар ҳам бордир, албатта.**

— Агар иложи бўлса, шу саволга жавоб бермасам. Хуш кўрмаганим, шу каби оилавий шароит ҳақидаги саволлар. Менимча, оила — бутун бир қўрғон, унга ҳар ким кириб чиқавермаганидек унинг сири ҳам сирлигича қолиши керак. Айниқса шундай савол суҳбатдош аёлларга берилса ғашим келади. Қолаверса, бу гапнинг жавоби ҳам қуруқ мақтовдан иборат бўлади. Ҳар қандай шароитда ҳам (башарти у оиласи билан ёмон муносабатда бўлса-да) ҳеч ким оиласини ёмонламайди. Демак истайсизми-истамайсизми, саволга аниқ ва ҳаққоний жавоб берилмайди.

Энди асосий мавзуга қайтиб айтадиган бўлсам, бизнинг касб кўринишдан оддий туюлгани билан анча инжиқ, ўзига хос, машаққатли касб. Унинг шарафли ва савобли дейилиши боиси ҳам ана шунда.

**Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ**




## Икки хил манзара

Ҳар фаслнинг ўзига яраша тайёргарлиги бўлади. Куз ҳам бундан мустасно эмас. Олдингизда пайдо бўлган бир қатор юмушлар билан бирга қалин-иссиқ либосларни мавсумга тайёрлаш масаласи кўндаланг бўлади. Ёз бўйи сандиқ ёки шкафнинг бир чеккасида кераксиз бўлиб ётган костюм-шим, плаш-пальтоларни бирма-бир кўздан кечира бошлайсиз. Улардаги ўтган йилнинг баҳоридан эсдалик бўлиб қолган доғ-дуғларни кетказиш ҳаракатига тушасиз. Биринчи навбатда зарур бўлганларини ўраб-чирмаб кийимларни кимёвий усулда тозалайдиган (химчистка) идораси томон йўл оласиз. Хизматчилар сизни ҳар қалай хушмуомалалик билан кутиб олишади. Чунки уларда ҳам режа бор. Буюртма қанча кўп бўлса шунга яраша юз ёруғ. Лекин шаҳримиздаги шундай ишга масъул бўлган идораларнинг барчасининг хизматидан кўнглингиз бирдек тўлавермайди. Яқинда бунга ўзимиз шоҳид бўлдик.

Шаҳримиздаги энг намунали хизмат кўрсатадиган «Болалар дунёси» дўкони ёнгинасида, яна ҳам тўғрироғи «Буми Интернейшнл» меҳмонхонаси рўпарасида жойлашган кийимларни кимёвий тозалаш идорасига қишки кийимларни топширдик. Хизматчилар улардаги доғ-дуғларни бирма-бир кўздан кечириб, қабул қилиб олишаркан: «Қойил қилиб берамиз» дейишди. Тозалаш нархлари ҳам анча баланд. Бунисига ҳам рози бўлдик. Ҳозир бозор иқтисодиёти даври дедик. Эртасига айтилган вақтдан бироз кечроқ бордик. Афсуски, ҳали буюртмамиз тайёр бўлмаган экан. «Яна ярим соат кутасиз», дейишди хизматчилар. Бир соат кутдик. Хайрият, ишимиз битди. Буюмларимизни олиб уйга қайтдик.

Орадан ҳафта ўтмай тозаланган костюмимни кийиб кўчага чиқдим. Кечқурун қайтсам аёлим мен билан саломлашар экан костюмимни ўнг чўнтак томонига тикила туриб:

— Вой дадаси, янги тозаланган костюмга қайдан дарров доғ теккиза қолдингиз? — деди.

— Тўғри ишга бориб, ишдан қайтяпман. Ҳатто бугун тушликка чиқмаган бўлсам, қаердан доғ тегади унга, — дедим таажжубда.

— Ана ечиб ўзингиз қаранг.

Дарҳол костюмимни ечдим. Қай кўз билан кўрайки унинг чўнтак томонида ўтган йилдан қолган доғ (ҳар қалай тозаланган-да) хира кўзга ташланиб турибди. Аёлим: «Олиб бориб беринг, қайта тозалаб беришсин», деди. Мен кўнмадим. Нега дейсизми? Биринчидан, орадан 1-2 кун эмас, ҳафта ўтган. Шундай бўлгач, албатта хизматчилар муддатни рўкач қилиб қилмишларини бўйнига олишмайди. Иккинчидан, қайтариб олиб борган тақдирда ҳам яна шунақа чала тозалашса орада бўлиб ўтадиган кўнгилсизлик, сарсонгарчиликни ўйладим. Шунинг учун бошқа кийим тозалаш идорасига мурожаат қилдим. Бир ҳисобда шундай қилганим ҳам яхши бўлган экан. Бу сафар «Нукус» кинотеатри рўпарасидаги идора хизматчилари чиндан ҳам костюмимни қойилмақом тозалаб янгидек қилиб беришди.

Ана сизга икки нуқтадаги икки хил хизмат.

**Мақсуд КОМИЛОВ**

ТАНЛОВЛАР

## Номзодлар аниқланди




**Президентимиз томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этиш тўғрисида Фармон қабул қилингандан буён республикамизда иқтидорли ва истеъдодли қизлар талай эканлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.**

Бу йил Оналар ва болалар йилида ҳам ушбу мукофотнинг учинчи қалдирғочлари танланди. Куни кеча Собир Раҳимов туманидаги қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежида Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзодларни танлаш бўйича «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танловда иштирок этган 22 қиз ичидан энг саралари танлаб олинди. Ёш истеъдод соҳибалари танловнинг 5 та йўналиши, яъни маданият, адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳалари бўйича ўз истеъдодларининг гўзал қирраларини намойиш этдилар. Қизлар ижросидаги гўзал рақслар, мафтункор куй-қўшиқлар, шеър ва лапарлар, шунингдек кўргазмага қўйилган ёш мўйқалам усталарининг нафис санъат асарлари ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан муносиб баҳоланди.

Танлов сўнггида 5 та йўналиш бўйича ғолибалар аниқланди. Адабиёт йўналиши бўйича — 12-мактабнинг 10-синф ўқувчиси Гавҳар Ҳамроқулова, маданият йўналиши бўйича — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети қошидаги академик-лицей талабаси Дилдора Абзалова, санъат йўналиши бўйича — Камолиддин Беҳзод номидаги рассомчилик ва миллий дизайн институтининг талабаси Ҳилола Турсунназарова, фан йўналиши бўйича — 1-Тошкент Давлат Тиббиёт институтининг талабаси Дилором Бердиева, таълим йўналиши бўйича эса Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети қошидаги академик лицей талабаси Феруза Исмоиловалар Зулфия номидаги Давлат мукофотига номзод деб топилдилар.

Кўрик-танловда Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси Фарида Абдураҳимова сўзга чиқди ва танлов иштирокчиларини муборакбод этиб, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг Фахрий ёрлиғини топширди.

Танловда иштирок этган қизларнинг ўткир зеҳни, юксак иқтидорлари ҳақида ҳайъат аъзолари қуйидаги фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

*** *Фозила СУЛАЙМОНОВА, адабиётшунос олима, профессор:***

— Бугунги танловда иштирок этган қизлар севимли шоирамиз Зулфияхоним издошларидир. Қизларнинг нақадар билимли, истеъдодли эканликларининг гувоҳи бўлдик. Уларнинг ҳар бири ўз маҳорату иқтидорларини яққол намойиш этишди. Биз Навоий авлодимиз. Халқимиз орасида маънавият вакиллари жуда кўп. Зулфияхоним сафдошлари ҳам жуда кўп. Ўйлайманки, танловда иштирок этган қизларнинг келажаклари порлоқ. Уларга доим омад ёр бўлсин.

*** *Муқаддас АБДУСАМАТОВА, журналист:***

— Мана уч йилдирки «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови ўтказилиб, йилдан йилга номзодлар сафи ортиб бормоқда. Бугун шеъриятга дадил кириб келаётган фалсафий мушоҳадаси кучли ёшларни кўриб хурсанд бўлдик. Кўпчилик билмай, сезмай юрган истеъдодли ёшларни мана шу танлов туфайли бодроқдек ярқ этиб чиқиб келаётгани қувонарлидир.

**Дилором ИКРОМОВА**



**СУРАТЛАРДА: «Зулфияхоним қизлари» кўрик-танлови шаҳар босқичидан лавҳалар.**
**Сергей Любчич олган суратлар.**

АНЖУМАНЛАР

## Муҳим вазифалар белгиланди

**Собир Раҳимов тумани ҳокимлигида туман хотин-қизлар қўмитасининг иккинчи ҳисобот-сайлов конференцияси бўлиб ўтди. Собир Раҳимов тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Муқаддам Расулова туман хотин-қизлар қўмитасининг 1997-2001 йиллардаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.**

— Мустақиллигимизнинг 10 йиллиги хотин-қизлар ҳаётида мазмун-моҳияти ва шаклу шамоили жиҳатидан беқиёс ўзгаришлар ва уларнинг шахсий, ижтимоий-ҳаётий фаолиятига туб янгиликлар олиб келди, — деди жумладан маърузачи. — Аёлнинг жамият аъзоси — фуқароси сифатида ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги том маънода тикланди.

Бугунги кунда туманда 196 хотин-қизлар қўмитасининг бошланғич ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда хотин-қизлар қўмиталарининг олдида аёлларни ижтимоий, иқтисодий, маънавий ҳимоялаш, уларни соғломлаштиришга эътиборни кучайтириш, оилаларнинг маънавий баркамоллиги, ахлоқ ва тарбия, таълим, саломатлик, айниқса юксак ҳуқуқий маданиятга эга бўлишларини таъминлаш вазифалари турибди.

Анжуманда ана шу масалалар бўйича туманда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Йиғилишда Собир Раҳимов тумани Беруний номли маҳалласи хотин-қизлар комиссиясининг раиси Н. Раимова, туман ҳудудий-тиббиёт бошқармасининг бош шифокори А. Нурмуҳамедов, Ўзбекистон Республикаси Педиатрия илмий текшириш институтининг директори Д. Маҳмудова ва бошқалар сўзга чиқишиб, тумандаги хотин-қизлар фаолиятига, оилалардаги мавжуд муаммоларга батафсил тўхталдилар, таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Буни қуйидаги дил сўзларидан ҳам билиш мумкин.

*** *Лаълихон МУҲАММАДЖОНОВА, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети хотин-қизлар қўмитасининг раиси:***

— Истиқлол туфайли биз аёлларга жуда кенг имкониятлар яратилди. Хотин-қизларнинг жамиятда тутган ўрни, мавқеи янада юксалди. Биз шарқ аёлимиз. Шунинг учун аёлларга хос шарқона ҳаё, ибо, латофат сингари фазилатларни, шарқона урф-одату қадриятларимизни унутмаслигимиз лозим. Аввало аёллар ўз ҳақ-ҳуқуқларини билишларини, ҳуқуқий онгини, маданиятини, маънавиятини янада оширишлари лозим деб ўйлайман. Ана шунда оилалар мустаҳкам, фарзандлар ҳам баркамол вояга етадилар. Бу борада университетда ёшлар ўртасида ибратли тадбирлар ўтказиб борилмоқда.

*** *Машҳура ЮСУПОВА, «Машҳура» фирмасининг раҳбари:***

— Мен ушбу конференцияда делегат сифатида иштирок этаётганимдан хурсандман. Бугунги кунда хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиб ва уларни ҳал этишга ёрдам берадиган шаҳар, туман ва маҳалла хотин-қизлар қўмиталари фаол иш олиб бормоқдалар. Конференция хотин-қизлар ҳаётига бағишлангани учун айтмоқчиманки, биринчи галда қизларни, аёлларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш, ёшликдан уларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, ҳунарга ўргатиш зарур, деб ўйлайман.

Конференцияда Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси Низомига қўшимча ва таклифлар киритилди. Конференциянинг кун тартибига асосан туман хотин-қизлар қўмитасининг бошқарув, раёсат, назорат-тафтиш комиссияси ва хотин-қизлар қўмитасининг раиси сайланди. Собир Раҳимов тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси этиб Муқаддам Расулова сайланди.

Бундай ҳисобот-сайлов конференциялари Сергели, Чилонзор, Юнусобод ва Бектемир туманларида ҳам бўлиб ўтди.

**Гулором ҲАМИДОВА**

## Бўш шиша идиш муаммоси

Бирда азиз бўлган нарса хор бўлади, хор бўлган нарса бирда азиз бўлади, деган гап ҳақ экан. Бир вақтлар нонни унчалик қадрламадик, бугун у азиз, ушоғини кўзга суртяпмиз. Бундан 4-5 йил муқаддам оддий шиша идиш азиз эди, бугун у хор. Ўшанда бирон дўкондан шишали маҳсулот харид қилсангиз, сотувчи дарҳол ўрнига ўрин бўш шиша топширишингизни талаб қиларди. Ялиниб-ёлворишлар, дўқ-пўписалар кор қилмасди. «Бизга шундай кўрсатма берилган», деб туриб олишарди хизматчилар. Заруриятдан кўча-кўйда бир қўлингиздаги халтачада бўш шиша идишини кўтариб юришингизга тўғри келарди. Аёлларни қўяверинг, шиша идишсиз кўчага чиқмасди.

Эндичи? Тамоман бунинг акси. Очиғи (нархи анчагина баланд бўлишига қарамай) шиша идиш бугунгидек хор бўлмаган. Уйда йиғилиб қолган, тўй-туркумдан тушган шишаларни қаёққа сиғдиришни билмайсиз. Ташлаб юборишга эса кўз қиймайди, нархи баланд. Умид билан дўконга олиб борсангиз сотувчиларнинг гапи битта: «Ўзимиз бўш шишаларни қаерга сиғдиришни билмаяпмиз», дейишади. Тўғри, уларнинг ичида баъзан ҳожатбарорлари ҳам чиқиб қолади. Лекин улар донаси 80 сўм турадиган шишани 10 сўмга харид қилиш ниятида бўлишади. «Шунда ҳам сиз учун» қўшиб қўйишади меҳрибонлик кўрсатиб. Мажбуран берган беради, бермаган ўйланиб қолади. Ахир бу қандай ноинсофликки, харидор кеча дўкондан маҳсулотидан ташқари шишаси учун 80 сўм тўлаган пулини бугун саккиздан бирига зўрға эга бўлса.

Албатта, бу муаммо бир қарашда ўта майда ва кичикка ўхшаса-да, лекин у айни дамда ечимини топишга арзигулик муаммолар қаторидан ўрин олмоқда. Бир вақтлар шиша сотиб оладиган махсус қабул нуқталари бўларди. Уларни шаҳарнинг турли бурчакларда учратиш мумкин эди. У ерга бемалол бориб идишингизни белгиланган нархда сотиб келардингиз. Инкор этмаймиз, бундай нуқталар бармоқ санарли бўлса-да ҳозирда ҳам бор. Лекин у жойда ишингиз осонликча битавермайди. Сансалорлик, пайсалга солишлар натижаси аён — идишни ўз баҳосидан арзонга қўлга киритиш.

Шу ўринда савол туғилади. Хўш, бу муаммонинг осонгина ечимини топиш йўли йўқми? Бор, албатта. Фақат барча дўконларда аҳолидан тушган бўш шиша идишларни қабул қилиш тартиби қатъий жорий этилса, олам гулистон. Ҳеч ким шиша идиш кўтариб, қабул қилиш жойини овораи сарсон бўлиб қидириб юрмайди.

**Маҳмуд ОРИПОВ**







МИЛЛИЙ МАДАНИЙ МАРКАЗЛАРДА

# Халқ қалбининг жонли булоғи

**Яқинда республика Киночилар уйида Республика Турк маданий маркази ва «Синко СТЛ» студияси томонидан ҳамкорликда суратга олинган «Ширин булоқ» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.**

Шуни таъкидлаш керакки, Республика Турк миллий маданий маркази 1997 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда ва ўтган қисқа вақт ичида кўплаб қизиқарли лойиҳаларни амалга оширди. Марказ Мустақиллик ва Наврўз байрамлари, Конституция куни каби барча умумхалқ байрамларида қатнашиб келади, миллий одат ва анъаналарнинг тикланишини фаол тарғиб қилади, кенг кўламдаги Маънавий-маърифий ишларни амалга оширади. Тақдимот маросими ўтказилган янги фильмнинг мавзуси ҳам халқ маданияти, урф-одати, удумлари ва анъаналарига бағишланган.

— Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши гўзал ва сахий ўзбек заминида истиқомат қилаётган барча халқларнинг эркин ривожланишига ҳам имкон туғдирди, — дейди Ўзбекистон Республикаси «Халқ бирлиги» ҳаракати Марказий Кенгашининг ҳамраиси, Турк маданий маркази бошқарувининг раиси Умар Салмонов. — Айтиш мумкинки, биз ўз тарихимизга янгидан эга бўлдик. Зеро, биз ўз маънавий маданиятимиз, асрлар оша шаклланган қадриятларимиз, миллий анъаналаримизнинг бутун бой кўлами, халқ санъатини сақлаш ва ривожлантириш имкониятига эгамиз. Бу ижод учун кенг имкониятлар яратади, маданий марказининг бевосита иштирокида суратга олинган «Ширин булоқ» биринчи тўла метражли бадиий фильми каби ишларнинг пайдо бўлишига омил бўлади.

Дарҳақиқат, тақдимот чоғида «Ширин булоқ»ни «биринчи қалдирғоч» сифатида тавсифлашди ва унинг ортидан Ўзбекистондаги бошқа маданий марказларнинг ҳам шундай ижодий ишлари юзага келишига умид билдиришди.

Сценарий муаллифи (бош ролни ҳам унинг ўзи ижро этган) Микаэл Афрас ўғли ва режиссёр Иброҳим Расуловлар мухлисларга тоғли қишлоқдан шаҳарга келган ва янги шароитларга тўла мослашиб олган бўлса-да, бироқ кейинчалик тақдир тақозоси билан ўзининг «Кичик ватани»га қайтиб, шу ерда ўз ҳақиқий севгилисини топган йигитнинг саргузаштлари тўғрисида ҳикоя қилувчи мусиқали комедияни тақдим этдилар.

Фильмда унинг қаҳрамони — Мико ва гўзал Моҳизар (Элмира Сулаймонова) ўртасидаги муносабатлар кўнгилни қитиқлайдиган, жозибали тарзда очиб берилади, бироқ бошқа образлар томонидан вужудга келадиган кутилмаган вазиятлар севги саргузаштларига кириб бормаса, албатта комедия муваффақият қозонмайди. Масалан, Ёдгор Жаъфарова ижро этган образ дастлаб Микони севиб қолади ва уни қандай йўллар билан бўлса-да Моҳизардан эгаллаб олишга ҳаракат қилса-да сўнг ўз хатти-ҳаракатларини бутунлай ўзгартириб, тасманинг бош қаҳрамонларига ёрдам бера бошлайди. Юқоридаги барча воқеа-ҳодисалар атрофида эса халқ анъаналари ва удумлари тўғрисида чиройли тарзда ҳикоя қилинади.

— Бизнинг вазифамиз, — дейди Микаэл Афрас ўғли, — томошабинга халқимиз тарихидаги энг муҳим томонларни етказиш, машъум қатағонлар даврида оталаримиз ва боболаримизни Ўрта Осиё ва, албатта, Ўзбекистон заминида қандай қалб иликлиги ва меҳмондўстлик, бағрикенглик ва ўзганинг дардини тушуниш ҳислари билан кутиб олишганини етказиш эди. Зеро ўшанда бизга нафақат бемалол жойлашиб олишимизга, ҳатто ўзимизни халқ сифатида сақлаб қолишимиз — тилимизни, турмуш тарзимизни, урф-одатларимизни ҳам асрашимизга имкон туғдиришди. Натижада кўз қорачиғидек асраб-авайлаган бутун маданий бойлигимиз «Ширин булоқ» фильмида ўз аксини топди. Бу дўстим Иброҳим Расулов билан бирга яратган биринчи тўла мустақил фильмимиз бўлиб, у муваффақиятли чиққанидан беҳад шодман.

Фильм Қозоғистон Турк маданий маркази билан биргаликда яратилди. Фильмнинг ўзига хос томони шундан иборатки, бош роллардан ташқари деярли бошқа барча қиёфаларни ҳаваскор актёрлар маромига етказиб ижро этишди.

— Бу фильмга суратга олиш учун ҳеч қандай актёрлик тажрибасига эга бўлмаган энг оддий кишиларни таклиф этдик, — дейди унинг режиссёри. — Улар ўз ролларини шунчалик қиёмига етказиб ижро этишдики, ҳатто фильмни кўрганидан сўнг Шуҳрат Аббосов: «Бу кишилар роль ўйнамаяптилар, улар фильмда яшаяптилар» дея ўз фикрини билдирди. Албатта, бу иқтидор учун берилган юқори баҳодир. Фильмга овоз берганлар ҳам профессионал актёрлар бўлмаса-да, бу жараён ҳам жуда муваффақиятли кечди. Иброҳим Расулов суратга олиш чоғида бу каби истеъдодли кишилар билан ишлаганида ҳеч қачон чарчамаслигини таъкидлаб ўтди.

Композитор Ҳамид Аҳмад ўғли томонидан басталанган ва «Севинч» ансамбли ва Собир Қосимов томонидан ижро этилган кўплаб мусиқали номерлар ҳам шубҳасиз янги фильмнинг ютуқли томонлари сирасига киради. Халқ қўшиқлари, айниқса Карим Вейсалов ижро этган «Хинкал» ашуласи томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

— Бу кенг кўламдаги иш бўлди ва биз Турк миллий маданий маркази номидан бизга кўмаклашган барчага ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз, — дейди Умар Салмонов. — Биринчи навбатда бизга «Ўзбекфильм» катта ёрдам берди, унинг ёрдамида фильмга овоз бериш ва бошқа техник масалалар ҳал этилди. Фильмга продюссерлик қилиш юмушларини эса Қозоғистон Турк маданият марказининг раиси Зиёвитдин Касанов ўз зиммасига олди. Ўзбекистонлик тадбиркор Юнус Сулаймон ўғли ҳам фильмни яратишга ўзининг катта ҳиссасини қўшди. Умуман бизга жуда кўп кишилар кўмаклашишди ва дастлабки фильмимизни яратишдаги мададлари учун уларга катта раҳмат айтамиз.

Тез орада «Ширин булоқ» фильмини ўзбек ва рус тилларига ўгириш мўлжалланмоқда. Ўшанда уни жуда кўплаб томошабинларнинг бевосита кўриб, баҳолашлари мумкин бўлади.

**Азиза ВАҲОБОВА**

**СУРАТЛАРДА: «Ширин булоқ» фильмини яратиш жараёни; фильм ижодкорлари тақдимот пайтида.**

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

## *Меҳри китобга тушган*



Ҳадемай «Ислом энциклопедик луғати» китоби босмадан чиқади. Уни тайёрлашда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти таҳририяти ходимлари кўп куч ва ғайрат сарф этдилар. Китобга кирган тасаввуфга оид тушунчалар, мутасаввуфлар ҳақидаги мақолалар устида таҳририятнинг етакчи илмий муҳаррири Илҳом Султонов қунт ва меҳр билан ишлади.

Илҳомжоннинг ўзи ҳаётда бардошли, сабр-қаноатли камтар-камсуқум бўлганлиги боис у тайёрланган мақолаларда ҳам инсондаги шундай ноёб фазилатлар улуғланади. Бундай мақолаларни тайёрлаш учун илмий муҳаррирдан чуқур билим ва кенг дунёқараш талаб этилиши барчага аён. Илҳомжоннинг талабларга жавоб берилишига таҳририятдагилар ишонганлиги учун ҳам китобдаги бу мураккаб қисм материалларини тайёрлашни унга топширган. Илҳомжон бу ишончни билим ва меҳнат билан тўла оқлади.

Илмга у ёшлик пайтидаёқ ихлос қўйган эди. Бу туйғуни унинг қалбига падари бузруквори Иброҳим ота ва оналари Холбиби ая сингдирган бўлишса ажаб эмас. Улар ўз даврининг ўқимишли, зукко кишилари бўлишганди. Бўш соатларда фарзандларини ёнга олиб жавонлар тўрида сақланадиган турли хил нодир китоблардан парчалар ўқиб беришар, шеърларни ёд олишга ўргатишар эди. Илҳомжонда китобга ва ижодга шу кезларда меҳр уйғонган эди. Бу меҳр уни Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти тарих-филология факультети томон етаклади. Сўнг «Тошкент ҳақиқати» газетасида таржимон сифатида ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Бундан олдинроқ бу ижодий жамоага камина ҳам келиб қўшилган эди. Шу бўйи Илҳомжон билан узоқ йиллар бирга меҳнат қилдик, катта ижод йўлига кирдик. Журналистлар мураббийси Аҳмад Исмоилов бошлиқ бу мўътабар даргоҳда ўша йилларда таниқли шоирлар Назармат Эгамназаров, Султон Акбарий, ёзувчи Ўткир Ҳошимов, қалами ўткир журналистлар Нўъмон Насимов, Тоҳир Мирходиев, Соат Мусаев каби устозлар меҳнат қилишарди. Улар билан ёнма ён ижод қилиш биз ёшларга зўр ҳузур бағишларди.

Институтда олинган пухта билим Илҳомжон учун газетада кенг қулоч ёзиб меҳнат қилиш имконини берди. Илмий-назарий мақолалар таржимаси ва таҳририят, тарихий саналар шарҳига чапдастлиги учун ҳам газетада эълон қилинадиган кўпгина материаллар аввало унинг нигоҳидан ўтарди. Рус муаллифларининг мақолаларини таржима қилганида фикрлар равонлиги ва ўзбекона талқинига алоҳида эътибор берарди. Чунки илмий-назарий мақолалар фақат тор доирадаги олимлар учун эмас, балки кенг газетхонлар оммасига тушунарли бўлиши лозимлигини у яхши биларди.

— Илҳомжоннинг сиёсатшунослик, Шарқ ва Ғарб адабиёти, санъати ва маданияти бобидаги билими унчамунча олимникидан қолишмайди, — дерди отахон шоир Назармат Эгамназаров унга баҳо берар экан.

Ҳақиқатан ҳам Илҳомжоннинг Навоий, Бобур, Ойбек каби улуғ адиблар, рус адабиёти классиклари ҳақида ёзган мақолалари ва таржималари ўша кезлардаёқ кўпчиликка манзур бўлганди. Унинг номи фақат «Тошкент ҳақиқати» газетаси саҳифаларида эмас, бошқа нашрларда ҳам тез-тез кўриниб турарди.

Илҳом Султонов кейинги йилларда «Жаҳон адабиёти» журнали таҳририяти учун бир неча тарихий асарлардан парчалар таржима қилиб берди. Улар орасида Жавоҳарлаъл Нерунинг «Жаҳон тарихига бир назар», Адам Ленцнинг «Исломий уйғониш», Табарийнинг «Тарих ар-Расул ва-л-мулук» китоблари бор эди.

Шарқ романчилигида катта мактаб яратган таниқли араб ёзувчиси Журжи Зайдоннинг «Ал-Амин ва Ал-Маъмун» романи И. Султонов таржимасида журналнинг кетма-кет учта сонида босилиб чиқди. Умуминсоний қадриятлар таржимоннинг моҳирлиги билан ўзбек ўқувчилари қалбига сингиб, уларнинг маънавий мулкига айланиб бораётганлиги кишида чуқур мамнуният ва қониқиш ҳосил қилади.

Мустақиллик шарофати билан республикамизда қатор янги нашрлар пайдо бўлди. Уларнинг саҳифаларида кўпроқ иқтисодий мавзулар ёритила бошлади. Илҳомжон омма орасида иқтисодий ва ҳуқуқий билимларни кенг тарғиб этиш мақсадида «Солиқлар ва божхона хабарлари», «Банк ахборотномаси», «Солиқ тўловчининг журнали» каби нашрлар билан ижодий ҳамкорликни йўлга қўйди. Айни пайтда «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриётида илмий муҳаррар сифатида ҳуқуқ ва сиёсатшуносликка, халқаро муносабатларга доир мақолаларни тайёрлашга киришди. Ҳозир ўқувчилар қўлига бориб етган «Ўзбекистон Миллий энциклопедияси»нинг дастлабки икки жилдида бошқа истеъдодли ҳамкасблар қатори Илҳомжоннинг ҳам кўз нури ва қалб қўри сингланлигини ҳис этиб турибмиз.

Илҳомжоннинг умр бўйи йиққан бойлиги китоблар бўлди. Жавонларга тартиб билан териб қўйилган катта-кичик китоблардан турли йиллар, турли даврлар нафаси уфуриб турибди. Бугунги кунда улар фақат Илҳомжоннинг эмас, балки ака-укалари, жиянлари ижодини равнақ топдиришга ҳам хизмат қилаяпти. Илҳомжоннинг акаси Ёқубжон Иброҳимов Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг энг тажрибали ходими, 1959 йилдан бери шу даргоҳда қалам тебратиб келмоқда. Укаси Ҳамид Султонов эса ўз ижодини ҳозирги «Ўзбекистон овози» газетасида бошлаган эди. Бугунги кунда «Ўзбекистон матбуоти» журналида бўлим муҳаррири вазифасини бажараяпти. Жиянлари Омилахон ва Восиқжон Иброҳимовлар Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг тезкор журналистларидир. Улар Илҳомжон яратган кутубхонанинг доимий ўқувчилари ҳисобланишади.

Умрининг олтмишинчи баҳорини қаршилаётган ҳамкасбимиз Илҳом Султоновнинг бутун меҳри китобга тушган. Китоб эса зиё чашмаси. Шу чашмадан баҳра олиб одамлар онгу шуурини зиё билан чароғон қилаётган инсонлар асло завол топмайди. Бу ҳақ гап.

**Жасур НОСИРОВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.**

САНЪАТ

## Экранда ёшлар муаммоси

Яқинда «Ўзбектелефильм» қошида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини студия фаолияти жараёнига татбиқ этиш мақсадида, ёш мутахассисларга назарий ва амалий билимларни биргаликда эгаллашлари учун қулай шароит яратишни кўзда тутиб, «Нишона» ёшлар ижодий уюшмаси ташкил этилди. Уюшманинг асосий мақсади мамлакатимизда кино санъати билан боғлиқ соҳа мутахассислари тайёрлашдан иборат. Бундан ташқари уюшма иқтидорли ёшларга «Ўзбектелефильм» студиясида бевосита амалий ижодий фаолият билан шуғулланишларига ёрдам кўрсатади. Шу билан биргаликда яратилган фильмлар, театрлаштирилган томошалар, саҳна асарларида ёшлар ҳаётидаги ютуқ ва юзага чиққан муаммоларни экранда ёритиб боради.

**Орзугул РУСТАМОВА**

ОБУНА-2002 • ОБУНА-2002

## Ўқисам дилим яйрайди



*Одатдагидек ишга келаётиб кундалик нашрларни харид қилиш мақсадида газета дўконига ошиқдим. Пойтахтимизнинг одамлар анча гавжум бўлган «Қозоғистон» кинотеатри ёнидаги газета дўкони ёнида асосан 60-70 ёшни қоралаб қолган отахонлару онахонлар, ўқишга, хизматга шошилаётган ёш-яланглар навбат кутиб бир-бирлари билан ўзаро суҳбатлашиб туришарди. Журналист халқи қизиқувчан бўлганлиги туфайлими, мен ҳам суҳбатлашаётганлар қаторига келиб қўшилдим.*

*— Амаки, асосан қайси газетани кўпроқ ўқийсиз? — савол берди ёшроқ бир йигит ёнидаги қорачадан келган отахондан.*

*— Иложи бўлганида ҳамма газеталару журналларни битта қўймай ўқиб чиққан бўлардим-а, — гап бошлади отахон. — Аммо мен ҳар сонини муштоқлик билан кутадиган севимли газетам «Тошкент оқшоми». Ундаги турли мавзулардаги ранг-баранг мақолаларни ўқисам дилим яйрайди. Айниқса, «Оз-оз ўрганиб доно бўлур...» рукнидаги шарқ дурдоналари, спорт хабарлари, «Бу ажиб дунё», «Маънавият сабоқлари», «Турмуш чорраҳаларида», «Замондошларимиз» рукнлари остидаги ҳар бир мақолалар менга жуда ёқади. «Оқшом»нинг ҳар бир сонини интизорлик билан кутаман.*

*Шу вақт суҳбатга дўкон сотувчиси аралашди:*

*— Очиғи, кўп газеталар қатори «Оқшом»га ҳам талаб катта. Лекин дўконимизга бор-йўғи 6 дона «Оқшом» келади, бироқ газетани сўровчиси кўп...*

*Дарҳақиқат, азиз муштарий, «Оқшом» сизнинг энг яқин дилкаш ҳамроҳингиз экан, унга албатта обуна бўлинг. Шунда газетамизни юқорида айтилганидек дўконма-дўкон қидириб юрмайсиз, балки ҳар хил мавзудаги мақолалардан баҳраманд бўласиз. Келаси йилги режаларимиз эса бисёр...*

*«Тошкент оқшоми»нинг нашр кўрсаткичи — 563.*

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

ТАЪЛИМ

## Танлов ғолиби

Академик Саъди Сирожиддинов номидаги академик лицейда таълим олаётган ўқувчи ёшлар орасида ўз изланишлари билан ажралиб турган иқтидорли толиби илмлар кўп. Ўқув даргоҳининг 3-курс ўқувчиси Ҳамид Ражабов ҳам шундай умидли ёшлардан.

У кимё фанини пухта ўзлаштириб, шу фандан тест саволларини тузишга ҳам муваффақ бўлди. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган бу йилги «Педагогик тестларнинг энг яхши муаллифи» республика танловида ғолиб чиқди.

Иқтидорли толиби илмнинг бу изланиши танловнинг учинчи даражали мукофотига лойиқ деб топилди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

ТАҚДИМОТ

## *Уч тилда*

Республикамизда таълим тизимини ривожлантириш йўлида кўрилаётган муҳим маърифий тадбирлар яхши самаралар бермоқда. Қўлга киритилаётган бу ютуқлар қатор педагогик нашрларда ўз ифодасини топмоқда.

«Истиқлолнинг улуғ қадамлари» деб номланган нашрни босмага тайёрлаш ишлари бошланиб кетди. Ўзбекистонда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг иккинчи босқичи муносабати билан Ўзбекистон халқ таълими вазирлиги томонидан чоп этиладиган бу тўплам китоб-альбом бўлиб босилиб чиқди. У ўзбек, инглиз ва араб тилларида китобхонларга тақдим этиладиган бўлди.

**Акбар АЛИЕВ**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳар ким ақл, идрок этагини ушласа, улуғ мартабага эришади. Нафс фармонига итоат қилса, хор-зорлик чуқурига йиқилади.

● Ғайратсиз, матонатсиз ялқов киши ўйлаган нияти, мурод-мақсадига етмайди.

● Кимки хулқи ярамас кишилар билан ошно бўлса, оқибат пушаймонлик мевасини теради, ёмонлардан яхшилик излаш — мевасиз дарахтдан мева кутиш кабидир.

● Санъат — инсоннинг битмас-туганмас қимматли хазинасидир. Илм — ҳосилдор бир дарахт, меваси эса амалдир.

● Мўътадил бўлмаган фаросат доим илгари кетадиган соатга ўхшайди.

**Байт:**
**Гар ёмонликка айласанг рағбат,**
**Неча турли ёмон бало кўргунг.**

● Жоҳил ва нодон билан дўстлик, улфатчилик ниҳоят фалокат ва ҳалокатга етказади.

ҲИКОЯТ. Бир боғбоннинг тоғ яқинида ғоятда латофатли дилкушо боғи бор эди. Деҳқон ўша боғида умр кечирарди. Бир кун зерикиб боғдан ташқарига чиқди, тоғ этакларини томоша қилиб юрди, шу вақт юксак тоғлардан қуйига тушган бир айиққа учради. Улар бир-бирларига улфат бўлдилар. Айиқ ўша деҳқоннинг суҳбатига кўнгил берди, у билан бирга боққа келди, ширин мевалардан еб дўстлиги мустаҳкам бўлди.

Мабодо деҳқон соя-салқин жойда дам олиб ухлаб қолса, айиқ унинг ёнида ўтириб, пашшалардан қўрирди. Бир кун боғбон ухлаб, айиқ пашшаларни қўриб ўтирганди, пашшалар деҳқоннинг юз-кўзига ҳужум қилишдан тўхтамадилар. Бир тарафдан қувласа, иккинчи томондан ёпирилди. Айиқ уларнинг ҳаммасини бирданига ўлдириш фикрига тушди. Пашшалар деҳқоннинг юз-кўзига ёпирилиб қўнган вақтни пойлаб туриб, деҳқоннинг бошига харсанг тош билан бир туширди, деҳқоннинг боши мажағ-мажағ бўлиб кетди. Пашшаларга зиён етмади, улар учиб кетдилар.

Нодоннинг дўстлиги ҳам айиқнинг дўстлигига ўхшаш бўлади. Ҳар ким нодонни ўзига дўст, улфат деб ҳисобласа, деҳқоннинг ҳолига тушиши мумкин.

**Байт:**
**Алъамон, юз алъамон ножинслардан алъамон,**
**Яхши улфатлар билан бўлгил ҳамиша, эй жавон!**

● Инсонда ўн гўзал хислат бўлади.

1) Олийжаноблик бир қувватдирки, бу қувватга эга бўлган одам бойликка ва одамларнинг мақташларига ёки камситишларига сира илтифот қилмайди, турмушнинг ўзгариб туришига қайғурмайди. Ғайратига ва олий ҳимматлигигига камчилик келтирмайди, яъни мол-дунёси кўп бўлса ғурурланиб, мутакаббир бўлиб кетмайди, халқнинг мақташига севинмайди. Ҳар вақт бир хилда бўлиб ўзининг даража ва ҳимматини сақлайди.

2) Олийжаноб одам ҳар вақт чин гўзалликни ва ўзида бўлган камолотни кўзда тутади, ишининг яхши кетишидан ортиқ даражада шодланиб, юрар-турарини билмасдан ёки муваффақиятсизлигидан жуда ҳам қайғуланишдан ўзини сақлайди.

3) Сабр — қайғу-аламларга, машаққатларга чидашдек фойдали бир ишдир, бунга эга бўлганлар ҳар нарсага ортиқ даражада қайғуриб, ўз саломатликларини йўқотмайдилар.

4) Шижоат — хавф-хатарга учраганда, қўрқмай ўзини сақлашдан иборат бўлган қаҳрамонликдир. Бу фазилат қўрқинчли пайтда одамни нолойиқ иш қилиб қўйишдан сақлайди.

5) Мулойимлик — аччиғланган вақтда ўзни тута олишдир. Мулойимлик улуғ фазилатларнинг биридир. Қаҳр-ғазаб вақтида ўзни босиб, тинч тура олиш одамни жуда кўп хавф-хатарлардан, ёмонликлардан сақлайди. Мулойим, юмшоқ кўнгилли кишиларни ҳар ким севади.

6) Осойишта одам жанжал, ғавғо вақтларида қичқириб, енгиллик ва қизиққонлик кўрсатмасдан, сукут ва сабр сақлайди. Қизиққонлик, енгиллик, қаҳр-ғазаб одамни уятга қолдиради. «Ғазаб билан сарғайган юз пушаймонлик билан қизаради», деб шунга айтадилар.

7) Тавозеъ — халқдан ўзини юқори тутмаслик, бошқаларни камситмаслик каби гўзал хислатдир. Ўзини ҳар кимдан ортиқ билмаган одам мақташга сазовор улуғ одамдир. Бу инсоннинг энг яхши фазилатидир. Шундай бўлса ҳам тавозеъни жуда ҳам кўпайтириб ўзини хорликка туширишш, ёки мунофиқона тавозеъ қилиш ярамаган бир ишдир, ўртача тавозеъ мақбул ва марғубдир.

8) Ҳамият — номус ва диёнатни сақлашдир.

9) Чидамлилик — гўзал сифатларга, олий ишларга эришиш йўлида машаққатларга бардош беришдир.

10) Ҳамдардлик — бир одамнинг қайғу, ҳасратларига ачиниб ўзида ҳам қайғу ҳосил қилишдир. Лекин қуруқ ҳамдардлик фойда бермайди, балки қайғули одамга ёрдам бериб, уни қайғу-ҳасратдан қутқазиш чорасига киришиш лозимдир. Ҳамдардликнинг тўла маъноси мана шундадир.

● Қаноат қилсанг ҳамма нарсадан озод бўласан. Дунёга мафтун бўлма ва очкўзлик қилмагинки, тириклик мавсуми жуда қисқадир.

● Сендан юз ўгирган кишининг суҳбатига интилиш жоннинг қадрини ерга уришдир. Суҳбатингни тилаган кишини қайтариш эса олийжанобликка нуқсон етказишдир.

● Искандарга дедилар:

— Агар Худойи таоло сенга ғалаба беришини хоҳласанг, кечирувчи бўл, чунки у кечиришни яхши кўради.

Ундан сўрадилар:

— Сўзга усталик нима?

Айтди:

— Қисқа сўзлаш, аммо маъносини бузмасликдир.

● Аблаҳ кишиларда дўстлик, ёлғончиларда садоқат бўлмайди.

**Байт:**
**Эй биродар, ҳеч қачон ёлғон гапирма,**
**Чунки ёлғончи хор ва қадрсиз бўлар.**
**Ёлғончилик кишини шармисор қилар,**
**Ёлғончилик одамнинг обрў-эътиборини кеткизар.**

● Буқрот ҳаким деди:

— Агар киши ўзи мукаммал эгалламаган илм ҳақида гапирмаса, одамлар орасида тушунмовчилик ва тортишув юз бермайди, жангу жадал олови сўнади.

Яна деди:

— Кўнглингиз душман деб ҳисоблаган кишидан эҳтиёт бўлинг!

● Ҳақиқий маърифатга эришган комил одам шундай одамки, ундан нафақат дўстлари осойишта, балки душманлари ҳам тинч ҳаёт кечирадилар.

